Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 10 декабрь, № 255 (7485) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 9 декабрь куни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган кластерлар ташкил этиш, мева-сабзавот етиштириш сифати ва экспорти ҳажмини ошириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Аграр соҳада ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш мақсадида Президент Фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Унда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшимча қиймат занжирини яратиш, соҳада илғор технологияларни қўллаш бўйича қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластер тизими яхши самара бермоқда. Хусусан, шунинг натижасида пахтачиликка янги технологиялар кириб келди, ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан 20 — 30 фоизга кўтарилди, моддий манфаатдорлик ошди. Жорий мавсумда пахта ҳосилининг 73 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келди.

Мамлакатимиз мева-сабзавотчилик тармоғи ҳам катта салоҳиятга эга. Лекин бундан оқилона фойдаланилмаяпти.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда йилига 21 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилади. Лекин уларнинг бор-йўғи 1,5 миллион тоннаси экспорт қилинади.

Чунки ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳсулот етиштирмаймиз. Боғ ва токзорларда ҳосилдорлик жуда паст. Масалан, хорижий давлатларда бир гектар интенсив боғдан 70 — 100 тонна, айрим мевалардан 130 тоннагача ҳосил олинса, юртимизда бир гектардан 10 — 30 тонна, анъанавий боғ-токзорлардан эса 4-5 тонна маҳсулот олинади.

Маҳсулотни саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича 31 агрологистика маркази ташкил этилган. Лекин айланма маблағлар етишмаслиги ва доимий маҳсулот йўқлиги оқибатида уларнинг аксарияти мавсумий ишлаб, мавжуд қувватлардан бор-йўғи 10 — 15 фоиз фойдаланмоқда, холос.

Маркетинг йўқлиги, жаҳон бозоридаги ҳолат ўрганилмаслиги оқибатида экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар зарур миқдорда етиштирилмаяпти. Деҳқон, қайта ишловчи ва экспортчи корхоналар ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Миришкор экинларни ўз билганича жойлаштириб, етиштирган маҳсулотини сота олмаяпти, экспортёр эса мева-сабзавот қидириб юрибди. Бу хорижлик харидорлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга салбий таъсир этади.

Давлатимиз раҳбари шу боис мева-сабзавотчиликда ҳам кластер тизимини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Соҳада кўп йиллик тажрибага эга, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш инфратузилмаси бор тадбиркорларни бунга жалб қилиш яхши самара бериши қайд этилди.

Мутасаддиларга маҳсулот етиштирувчи билан кластер корхонаси ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, икки томоннинг ҳам манфаатларини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Деҳқонларга моддий ресурслар ва аванс маблағларини ўз вақтида етказиб бериш, самарадорлиги паст боғ-роғларни янгилаш, ҳосилдорликни ошириш кластерларнинг асосий вазифаси бўлиши кераклиги қайд этилди.

Хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, кластер ташаббускорлари учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил қилиш, ўз навбатида, кластерлар томонидан фермерлар учун илғор технологияларни қўллаш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалий семинарлар ўтказиш муҳимлиги таъкидланди. Ҳар бир вилоятдаги олий таълим муассасаларида ихтисослаштирилган кафедралар ташкил этиш юзасидан кўрсатма берилди.

Президентимиз кластерлар ташкил қилишда уларни айланма маблағлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Фаолиятини йўлга қўйиб олгунча уларга молиявий кўмаклашиш, хусусан, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан зарур маблағлар ажратиш чоралари белгиланди.

Кластерлар томонидан ташкил қилинадиган интенсив боғ, токзор ҳамда иссиқхоналарни аҳоли ва тадбиркорларга имтиёзли шартлар асосида бериш, боғ-роғлар ҳосилга кириб, эгаси даромад кўргунча уларга кредит тўловлари бўйича енгиллик яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ҳар бир туманда етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми, тури, сифати ва экспортбоплигини чуқур таҳлил этган ҳолда, экинларни диверсификация қилиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бўш турган ерлар, самарасиз боғ ва токзорлар ўрнида ҳосилдор плантациялар ташкил этиш, мева-сабзавотларни экспортёрлар талаби асосида етиштириш ва экспортни кенгайтириш асосий вазифа бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимлари ахбороти эшитилди.

ЎзА.

САЙЛОВ — 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан “Мақсадимиз аниқ ва унга эришиш йўлларини биламиз” сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

умумий фискал баланс – Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари эвазига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган жамланма баланс;

ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи – ўз тасарруфида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга эга бўлган юридик шахс, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда) **IV бўлими** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«IV. НАВБАТДАГИ ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

20-модда. Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш

Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси (бундан буён матнда Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси деб юритилади) ва бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга Қонунчилик палатасига киритилади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва аҳолини ташвишга солаётган жиддий муаммоларни аниқлашнинг бутунлай янгича тизимининг жорий этилиши қисқа вақт ичида фуқароларнинг давлат институтларига ишончи даражасининг ортишига ва давлат хизматчилари томонидан ўзига юклатилган иш соҳасига муносабати ва масъулиятини тубдан ўзгартириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат ташкилотларида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) эскирган бюрократик усулларда иш юритиш, шу жумладан, ҳужжатлар айланмасига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш даражасининг пастлиги, қоғозбозлик ҳажмининг юқорилиги, шунингдек, амалий аҳамиятга эга бўлмаган кўплаб йиғилиш ва мажлислар ўтказиш амалиёти сақланиб қолаётганлигини кўрсатди.

Давлат томонидан тартибга солиш ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш, маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идораларнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) **2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг алоҳида функция ва ваколатларини тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига** 1-иловага **мувофиқ ўтказиш**;

б) **2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг** қуйидагиларни назарда тутувчи **функция ва ваколатларини чиқариб ташлаш**:

технологик, ўрмон-мелиорация, агротехник, гидротехник, санитария-техник тадбирларни келишиш;

бузилиши учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, жамоат тартибини сақлаш масалалари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий офат ва эпидемиялар билан курашиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг турғун манбалари томонидан атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш бўйича давлат экологик экспертизаси хулосасида назарда тутилган шартлар ва талаблар бузилиши билан боғлиқ фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш масаласида қарор қабул қилиш;

ўрмонларнинг ҳолатига зарар етказилган ҳолларда ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича қарор қабул қилиш;

бозор фаолиятини тўхтатиб туриш бўйича қарор қабул қилиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари 2-иловада назарда тутилган ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларнинг берилишига йўл қўйилмайди;

2021 йил 1 январдан бошлаб **давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиши ва ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишда шакллантирилади ва амалга оширилади**.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти бўйича зарур ҳисоботларни реал вақт режимида тузиш ҳамда **2021 йил 1 январга келиб қоғоз кўринишидаги бланклар, шакллар ва жадвалларни тўлдиришдан** тўлиқ воз кечиш имконини берадиган **Барча давлат органлари ва ташкилотларида ҳисобот ва ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини** Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Давлат органлари ва ташкилотлари Барча давлат органлари ва ташкилотларида ҳисобот ва ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасида назарда тутиладиган муддатларда ҳисобот юритишнинг автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич жорий этилишини ва унинг тўлақонли ишлашини таъминласин.

Белгилансинки, **давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига ҳисобот ва ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар**.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг барча ходимлари ва раҳбарларини белгиланган тартибда электрон рақамли имзолар билан таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Идоралараро коллегиал органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5527-сон Фармонига мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **амалдаги идоралараро коллегиал органларнинг фаолияти таҳлил қилинганлиги ва самарадорлиги баҳоланганлиги, натижасига кўра уларни янада қисқартириш ва мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар нинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳужжатлари билан тузилган 3-иловага мувофиқ рўйхат бўйича **алоҳида идоралараро коллегиал органлар**нинг айримлари ваколатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотларига ўтказган ҳолда, **2020 йил 1 январдан бошлаб** уларни тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар мазкур қарорнинг 3-иловасини амалга оширишга қаратилган тегишли тадбирлар амалга оширилишини таъминласин ва бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

тугатилаётган идоралараро коллегиал органларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва ўрганиш;

ўтказилган хатлов ва ўрганиш натижаларига кўра аниқланган тугатилаётган идоралараро коллегиал органларнинг долзарб ваколатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотларига ўтказишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

8. **Бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда — Академия) икки ой муддатда **вақтни тўғри ташкил этиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш технологиялари (time management), бюрократия, қоғозбозлик ва йиғилишлар ўтказиш амалиётини бекор қилиш бўйича ўқув дастурини** ишлаб чиқиб, Академия ва унинг филиалларида давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ва раҳбарлари учун курсларни келишилган муддатларда ташкил этсин.

10. Белгилансинки:

Академия ва унинг филиалларидаги ўқув курслари пуллик асосда олиб борилади ва ушбу курсларда иштирок этиш тасдиқланган курслар графигига киритилган давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ва раҳбарлари учун мажбурийдир;

Академия ва унинг филиалларидаги ўқув курсларида ўқиш билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар, шунингдек, ходимлари курс тингловчилари ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

11. Қуйидагиларга:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур қарор талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳамда аниқланган қоидабузарликларни кенг ёритиш;

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш республика марказига давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида мазкур қарор талабларига риоя қилиш ҳолати бўйича аноним сўровномалар ўтказиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда унинг таркибий бўлинмалари давлат органлари ва ташкилотларида давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бюрократияни, қоғозбозликни янада қисқартириш бўйича аниқ ва асослантирилган таклифларни киритган ҳолда мазкур қарор ижроси бўйича таъсирчан мониторинг ва таҳлиллар олиб борсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритишга оид мақолалар ва телекўрсатувларни ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 декабрь

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2019 йил 10 декабрь

МАҚСАДИМИЗ АНИҚ ВА УНГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИНИ БИЛАМИЗ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг партиянинг VIII съездида қабул қилинган Сайловолди дастури ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулиятини ўз зиммасига олган сиёсий кучдир. Шу мақсад йўлида партия барча имкониятини ишга солмоқда, халқ фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олган. Партия янги, рақобатдош ва халқаро ҳамжамият учун очиқ мамлакатни барпо этиш, унинг барқарор ривожини таъминлаш каби ўта долзарб вазифаларни ҳал этишга қодир энг муносиб номзодларини илгари суради ва бор кучини ислоҳотларнинг натижаси ҳар бир инсон ва унинг оиласи ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишга йўналтиради. Шундан келиб чиқиб, қуйида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг партия сайловолди дастурида кўзда тутилган устувор йўналишлар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Янги Ўзбекистон — янгича бошқарув

Бахтиёр ЯКУБОВ, ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:

— Биз учун янги Ўзбекистон — шахс, бизнес ва хусусий сектор ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган профессионал парламент фаолият кўрсатаётган ва “Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун” тамойили амал қилаётган мамлакатдир.

Парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, халқ ҳокимиятини янада кучайтириш партиямизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. O‘zLiDeP парламент сайловларида ғалаба қозонган партия нафақат Бош вазир, балки парламент қуйи палатаси Спикери номзоди, Ҳукумат таркибини таклиф этиши, сайловларнинг пропорционал тизимига ўтиш, ҳокимият органларининг ҳисобдорлигини ва очиқлигини таъминлаш мақсадида жамоат ва парламент назорати тўғрисидаги қонунларни замон талаби асосида такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан ошириш, қонунчилик базасини тизимлаштириш, қонуности ҳужжатларини кескин қисқартириш, қонун ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш, “қонуннинг ягона манбаи ва муаллифи халқ экан, қонунлар инсон ва жамият ҳаётини яхшилаш, эркинлаштириш учун қабул қилинади”, деган олижаноб тамойилни ҳаётга жорий этиш ғояларини илгари сурмоқда.

Партиямиз бу борада тўғридан-тўғри, бевосита ишлайдиган қонунлар керак, қонуности ҳужжатлари билан умуммажбурий нормалар белгилашни тўхтатиш зарур, деган қатъий позицияни ёқлайди. Шу боис биз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш, жамоат ташкилотларининг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоат муҳокамасини ташкиллаштириш тўғрисида”ги қонунни қабул қилишни таклиф этяпмиз.**

Бундан ташқари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, улар ваколатларини кенгайтириш, энг муҳими, мазкур тузилмаларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, реал даромадларнинг барқарор ўсиши, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича масъулиятини кучайтирамиз. Биз халқ вакиллик органларининг аҳоли учун очиқлигини таъминлаш, **“Электрон парламент”** ва **“Электрон халқ депутатлари кенгаши”** каби концепцияларни ҳаётга изчил татбиқ этиш тарафдоримиз.

Партиямиз дунёнинг **давлат бошқаруви сифати юқори даражага эга, ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилган 30 та давлати қаторига Ўзбекистоннинг киришига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.** Давлат хизмати, бу — фуқароларнинг профессионал хизмат фаолияти, унда ўз касбининг усталари ишлаши шарт, деган позициямизда қатъий турамиз. Бу давлат бошқаруви тизимининг самарали ва сифатли фаолият юритиши ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш гаровидир!

Айни пайтда бу йўналишда анчагина камчилик ва нуқсонларимиз мавжудлиги ҳаммага аён. Айрим давлат ҳокимияти вакилларининг у ёки бу масаладаги “қовун туширириш” ҳолатлари ҳақида кўп ва хўп гапирилди, бу вазият ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ва қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Шу боис партиямиз менежментнинг замонавий усулларини ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, аутсорсинг дастурларини амалга ошириш, давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга, бошқарувнинг **инновацион, янада мослашувчан моделларини,** шу жумладан, лойиҳа моделини (Agile, Scrum, Kanban, PRINCE2 ва бошқалар) ишлаб чиқиш ва **жорий этишга** лаёқатли етук мутахассислар, сиёсий партиялар, хусусий сектор вакилларини, хорижий экспертларни жалб қилишни кўзда тутувчи янги кадрлар сиёсатини амалга ошириш, маъмурий ислоҳотлар концепцияси қоидаларининг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши, ҳукумат, давлат институтлари ва жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг барқарорлиги ва самарадорлиги, давлат хизматлари сифати ва тезкорлигини таъминлаш, барча давлат хизматларини BPR (Business process reengineering — бизнес жараёнини қайта ташкил этиш) тизими асосида соддалаштириш, давлат хизматларини кўрсатишга замонавий ахборот тизимларини кенг жорий этиш, “бир ойна” тамойили асосидаги давлат хизматларини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг изчил инновацион ва технологик ривожланишини таъминлаш мақсадида шу соҳанинг бошқарув тизимини такомиллаштириш ташаббусларини илгари сурмоқда.

Партиямиз давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб этиш, бюджет маблағлари тасарруф қилинишининг шаффофлиги ҳамда давлат мулкидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва мақсадлилиги каби муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолайди.

Биз ҳозирги ахборот жамияти шаклланиши шароитида, ахборот ва билимлар тараққиётнинг стратегик омилига айланган бир даврда мамлакат ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологиялар жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасига қанчалик жорий этилгани билан боғлиқ, деб биламиз.

Маълумки, ҳозир Мирзо Улуғбек туманидаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида ахборот ва молия технологиялари, логистика, электрон тижорат ва таълим, биотехнология ва бошқа йўналишлардаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Масалан, АҚШдаги транспорт корхоналарига логистика ҳамда кафе ва пиццерияларга аутсорсинг бўйича технологик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Технопарк-нинг бу каби хизматлари арзонлиги ва сифати билан хорижликларга маъқул бўлаётир. Соҳа ривожига янада кенг шароит яратиш мақсадида бу ерда IT-офислар, бизнес маркази, меҳмонхона ва бошқа бинолар барпо этилади. Технопаркда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2020 йилда 10 миллион долларлардан ортиши, 2025 йилда эса 100 миллион долларга етиши кўзда тутилган.

Умуман, мамлакатимизда келгуси 5 йил ичида дастурий маҳсулотлар экспортини 10 баробар ошириш, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги ахборот технологиялари секторининг улушини камида 4 фоизга кўтариш мўлжалланган. Шунингдек, “Big data”, яъни катта ҳажмли маълумотларга ишлов бериш ва “нарсалар интернети”, видеокузатувлар ва жамоат жойларида мониторинг тизимини жорий этишни ўз ичига олган “ақлли” ва “хавфсиз шаҳар” технологияларини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш давом эттирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг октябрь ойида Ўзбекистондаги илк “ақлли” меҳмонхоналар “Tashkent city”да жойлашган янги Конгресс-холл ва “Hilton” меҳмонхонаси иш бошлади. Ушбу замонавий биноларда бошқаришнинг турли воситаларини — кириш/чиқиш, иситиш ва вентиляция тизимларини бирлаштирувчи интеграциялашган, киберхавфсиз, булутли бошқариш тизими (BMS) ўрнатилган.

“Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси доирасида бутун республика бўйлаб йўл ҳаракати қоидалари бузилиши ҳолатларини видеоқайд этиш, тураржой бинолари ва ижтимоий аҳамиятга эга объектлар хавфсизлигини мониторинг қилиш, автототаргоҳлар ва тўхташ жойларини тартибга солиш каби ишлар олиб бориляпти. Яқинда Ўзбекистон ва БАА ихтисослаштирилган онлайн портали орқали аҳолига бепул масофавий таълим олиш имкониятини берувчи “Бир миллион ўзбек дастурчиси” лойиҳаси ишга туширилди. Дастурнинг асосий мақсади рақамли технологиялар бўйича мутахассислар авлодини тайёрлаш ва дастурлаш бўйича уларга керакли билим ва кўникмаларни беришдан иборатдир.

ШУНИНГ УЧУН ПАРТИЯМИЗ:

- «Рақамли Ўзбекистон — 2030» дастурини жорий этиш;
- «катта маълумотлар» («Big data»), «блокчейн», «ақлли», «хавфсиз шаҳар», «интернет буюмлар» технологияларини кенг жорий қилиш;
- телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, ушбу асосда мамлакат ЯИМнинг 30 фоиз ўсиши ҳамда юртимизнинг «рақамли иқтисодиётга тайёрлик» ва «АКТ ривожланиши» халқаро индекслари бўйича илғор давлатлар қаторига киришини таъминлаш;
- мамлакатдаги барча аҳоли пунктлари ва таълим муассасаларига замонавий оптик толали интернет алоқа тизимини олиб кириш ва интернет хизматлари нархини пасайтириш, ташқи интернет каналлари орқали интернет трафиклари сотиб олиш ва мамлакатга тарқатиш бўйича монополлашувга йўл қўймаслик, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасида ўзаро самарали мулоқотни шакллантириш, ортиқча сансалорлик ва бюрократизмнинг олдини олишга қаратилган «Электрон ҳукумат» концепциясини изчил амалга ошириш;
- давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг ахборот ресурслари ва технологияларини янада тараққий эттириш, соҳада давлат-хусусий шериклик механизмини ривожлантириш, хусусан, давлат кадастри ишларини юритишнинг тўлиқ рақамлаштирилишини таъминлаш ва мулкни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини соддалаштириш каби бир қатор комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф этмоқда.

Коррупция устидан ғалаба қозонамиз

Бобур БЕКМУРОДОВ, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ижрочи директори:

— Биз жамиятда ижтимоий тенгсизликни юзага келтирувчи, халқнинг олиб борилаётган ислоҳотларга бўлган ишончини пасайтирувчи, жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатларда адолатсизликни вужудга келтирувчи, аҳоли ўртасида турли норозиликларни келтириб чиқарувчи коррупция устидан ғалаба қозониш, мамлакатимизнинг коррупцияни рад этадиган ва бу борада “ноль тоқатлилик”ка эришган давлатлар қаторига киришига эришишга қатъий бел боғлаганмиз.

Маълумки, мансабдор шахслар мол-мулки ва даромадини декларация қилиш кўпгина давлатларда коррупцияга қарши чора сифатида кенг қўллаб келинади. Жумладан, Хитойда барча давлат хизматчилари ҳар йили ўзлари ва яқинларининг даромад ва харажатлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этса, Бразилия, Дания, АҚШ ва Қозоғистонда давлат хизматчилари даромади декларацияланади, Швеция, Норвегия ва Канадада нафақат давлат хизматчилари, балки барча фуқароларнинг даромади ҳам декларацияланади. Финляндия ва Сингапурда давлат хизматчилари ҳар йили ўз чиқимлари ҳақида ҳисоботни тақдим этади. Буюк Британияда Парламент аъзолари ва Лордлар палатаси аъзолари ўз даромадини декларация қилади. Грузиядаги полиция хизматида ўтказилган туб ислоҳотлар натижасида полиция шунчаки давлат институти эмас, балки одамларга уларнинг муаммоларини ҳал қилишда ёрдам берадиган, пора олмайдиган, муқаррар равишда жиноятларни рўйхатга олувчи бир сервис-хизматга айлангани, унга аҳоли тарафидан мурожаатлар сони 15 — 20 баробар ошганидан, ўтган асрнинг 90-йилларида Нью-Йорк маҳаллий ҳокимияти ҳар қандай қонун бузилишлар (ҳаттоки метрода чиптасиз юриш)га “ноль тоқатлилик” сиёсатини жорий этиб, ҳуқуқбузарликларнинг турли кўринишлари бўйича курашиш стратегияларини ишлаб чиқиш, янги технологияларни қўллаш орқали шаҳар кўчаларида назоратни тўла қўлга ола билгани, кейинчалик бу тажриба АҚШ, Европа, Жанубий Африка, Индонезия, Сингапур ва бошқа мамлакатларда кенг қўлланилганидан ҳам хабаримиз бор.

Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь)га қўшилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган илк қонун ташаббуси, бу — **“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўлгани ҳам эътирофга лойиқ. Юртимизда айни пайтда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолият юритмоқда. Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Хусусан, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигида коррупцияга қарши курашувчи алоҳида тузилмалар ташкил этилган.

Шунга қарамай, партиямиз коррупцияга қарши курашиш тизимини тубдан ислоҳ этиш зарур, деб ҳисоблайди. Яъни мавжуд тизим негизида, раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган, парламентга ҳисобдор, прокуратура, ИИВ, ДХХдан мустақил фаолият юритадиган алоҳида давлат органлари — **Коррупцияга қарши кураш ва Тергов департаментларини** ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Негаки, мавжуд идоралараро комиссия иши унчалик самарали бўлмади. Шу нуқтаи назардан коррупцияга қарши курашувчи яхлит давлат идораси нафақат коррупцияга қарши курашиш, балки унинг оқибатлари, келиб чиқиш омилларини бартараф этиш борасида амалий ва назарий жиҳатларни мувофиқлаштириб борадиган, бу иллатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий томонларини илмий асослаб берадиган ташкилот сифатида тузилиши муҳим аҳамият касб этади.

ШУНИНГ УЧУН

- сиёсий арбоблар ва давлат хизматчилари маблағлари ҳамда молк-мулклари ҳақидаги маълумотларни очиқлаштириш ва декларация қилишнинг янги тизимини жорий этиш;
- давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмларини кучайтириш мақсадида **“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунни** ва электрон харидлар тизимини такомиллаштириш;
- жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;
- қонунчиликдаги жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнидаги инсон омилини бартараф этиш;
- парламент палаталаридаги коррупцияга қарши курашиш ҳамда суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари ваколат ва функцияларини кучайтиришни таклиф этяпмиз.

Хавфсиз, тинч ва барқарор жамият қурамиз

Дилором ФАЙЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси:

— O‘zLiDeP демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, халқнинг маънавий ривожланишига фундаментал вазифа — мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, жамиятда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар ҳамжиҳатлигини амалга оширмасдан эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Конституциявий тузум, суверенитетимизни, ҳудудий яхлитликни ҳимоялаш, мамлакат мудофаа лаёқатини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг салоҳиятини ошириш ҳам биз учун устувордир. Хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги партия фаолиятининг негизида “Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик керак” тамойили мужассам. Биз миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаймиз. Партиямизнинг бу йўналишдаги асосий мақсади — миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонунчилик йўли билан тартибга солиш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари самарадорлигини юксалтириш, соҳада давлат дастурларини амалга оширишдан иборат. Бизнинг фикримизча, ҳарбий хизматга муносиб ҳақ тўланиши керак. Армияда хизмат қилиш ҳар бир ёш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун юксак ғурур, мардлик ва ватанпарварлик тимсоли бўлмоғи лозим.

Шунингдек, партиямиз, барқарорлик, инсонпарварлик, миллатлараро ва фуқароларо тотувликнинг мустаҳкамланиши, дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорлик муҳитини ҳосил қилиш давлат ҳамда жамият ривожланишининг энг муҳим ва зарурий шарти, деб билади. Ўзбекистонда қарор топган ижтимоий ва сиёсий барқарорлик, миллатлараро тенглик ва фуқаролар тотувлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Биз фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш борасидаги улкан хизматларини эътироф этамиз. Ўз навбатида, хорижий давлатлар билан миллатлараро муносабатлар ва дўстлик алоқаларини уйғунлаштириш масалаларини ҳал этишда парламент ва халқ дипломатияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланишга кўмаклашамиз.

Қолаверса, “Инсон эътиқодсиз яшай олмайди”, “Дунёвийлик — даҳрийлик эмас” тамойилларининг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши, давлатнинг дунёвий характери тўғрисидаги конституциявий меъёрлар тўла амалга оширилиши тарафдоримиз.

Турли диний бирлашмалардан умуминсоний қадриятларни қарор топтиришда фойдаланамиз. Биз жамиятда бағрикенглик муҳитининг янада барқарорлашуви, турли динларни нотўғри талқин қилувчи, уларнинг ниқоби остида тинч ва осойишта ҳаётга рахна солишга интилувчи бузғунчи кучларга қарши қатъий курашамиз. Маданий ва диний экстремизмга қарши кураш сиёсати, аввало, “Жаҳолатга қарши маърифат билан”, “Маърифат ва таълим — тинчлик ва бунёдкорлик йўли” тамойилларини ҳаётга изчил татбиқ этиш асосида олиб борилади.

Маърифат ва таълим халқларнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи, одамларни хайрли ишларга, меҳр-мурувватга, бағрикенгликка етакловчи омилдир. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув — давр талаби. Биз буюк аждодларимиз меросини, уларнинг жаҳон цивилизацияси равнақига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш ва кенг оммалаштириш, конфессияларо, миллатлараро ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш, тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш тарафдоримиз.

Партиямиз бундан кейин ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва илғор технологияларни миллий иқтисодиётнинг устувор соҳаларига жалб қилиш, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари суришда партиялараро ҳамкорлик механизмидан фойдаланади. Жумладан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ўрнатилиши, Орол ҳалокати ҳамда ҳозирги даврнинг турли экологик муаммоларини ҳал қилиш, жаҳоннинг йирик бозорларига чиқиш имкониятини берадиган транспорт-коммуникация йўлакларининг кўп вариантли тизимларини шакллантириш учун истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор берилади.

Электоратимиз манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий давлатларда савдо ваколатхоналари очилишига, уларнинг турли халқаро тадбир ва кўргазмаларда иштирок этишига, чет элларда мамлакатимиз фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишига кўмаклашиш ҳам энг устувор вазифаларимиздан саналади.

Умуман, бизнинг олдимизда турган устувор вазифалар кўп. Биз, уларга эришиш йўлларини аниқ биламиз. Бу борада сиз, азиз сайловчилар кўмагига таянамиз. Яъни сиз бизнинг номзодларга овоз берсангиз, улар кўмагида ана шу мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

Шунингдек, O‘zLiDeP

- мамлакатимизнинг умумқабул қилинган халқаро меъёрлар ва тамойилларга содиқлик, ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келаётган низолар ва келишмовчиликларни тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилиш каби фундаментал тамойилларга асосланган ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди;
- парламент, халқ дипломатияси ва хусусий сектор имкониятларидан фойдаланиб, давлатнинг ташқи сиёсат соҳасидаги энг муҳим вазифаси — Марказий Осиёни барқарор ривожланаётган ҳамда яқин қўшничилик муносабатлари қарор топган ҳудудга айлантиришга кўмаклашади;
- халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар, бутун дунё ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни давом эттиришга йўналтирилган ташқи сиёсий фаолият тарафдоридир;
- БМТ, ШҲТ, МДҲ, ИҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар, турли иқтисодий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ҳамоҳанг бўлиб, халқаро иқтисодий ва молия-банк тузилмалари, хусусан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом ривожланиш банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳамда бошқа халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан амалий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратади.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3-модда. 2020 йилда бюджет жараёни иштирокчилари ўртасида бюджет ваколатларини тақсимлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари (бундан буён матнда Олий Мажлис палаталари деб юритилади):

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ажратиладиган маблағларни тасдиқлайди;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорларини тасдиқлайди;

республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ушбу Қонунга мувофиқ ўзгартиришлар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади):

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳасини тайёрлашда ҳамда республика бюджетидан маблағларни ажратишда асос сифатида фойдаланиш учун биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар рўйхатини тасдиқлайди;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини тасдиқлайди;

ушбу Қонунда назарда тутилган ваколатлар доирасида биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун бюджетдан ажратилган маблағларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни маъқуллайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари тегишли равишда:

а) қуйидагиларни тасдиқлайди:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини;

б) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозини маъқуллайди;

в) ушбу Қонунда белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади):

а) биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг таклифларига асосан:

ушбу Қонун қабул қилингандан кундан бошлаб бир ой муддатда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартириш киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига маъқуллаш учун таклифлар киритади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг асоси сифатида ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар рўйхатини тасдиқлайди;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш бўйича тавсиялар юборади.

4-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш

Ушбу Қонун билан белгиланган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фақат 2020 молия йили давомида фойдаланилади.

2020 молия йили охиригача фойдаланилмаган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан жорий йил учун соҳани ривожлантириш дастурларини шакллантириш, шунингдек юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш фақат уларнинг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлари миқдори доирасида амалга оширилади.

5-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни қайта кўриб чиқиш тартиби

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклиф билан бирга ўзгартиришлар киритиш бўйича асословчи материалларни, шунингдек янгиланган макроиқтисодий прогнозлар, солиқ ва бюджет сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

6-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш (ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно):

10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Олий Мажлис палаталари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда Молия вазирлигининг таклифи асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Ушбу Қонунга мувофиқ Молия вазирлигига республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар таркибида назарда тутилган қуйидаги маблағлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган бюджетлараро трансфертларни қўпайтириш орқали Молия вазирлиги томонидан қайта тақсимланади:

иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларини, айрим хизматларнинг тарифларини ва бюджет ташкилотларининг ходимларига ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун маблағлар;

«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларини амалга оширишда объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун қўшимча капитал қўйилмалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастуридаги тақсимланмаган маблағлар.

Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни жорий харажатларга йўналтириш тақиқланади.

7-модда. Иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритиш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган маблағларни бошқа иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш:

10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда тегишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчининг таклифига кўра Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

8-модда. Ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритиш

Бир ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган бюджет маблағларини бошқа ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида:

10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлари

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатлари

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2021–2022 йилларга бюджет мўлжаллари 1-иловага мувофиқ ҳамда уларни тайёрлашда асос бўлган 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2021–2022 йилларга мақсадли мўлжаллар 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

10-модда. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ва харажатлари

2020 йил учун давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11-модда. Республика бюджети даромадлари прогнози ва харажатлари

2020 йил учун:

республика бюджети даромадлари прогнози 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин;

республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қўшимча манбалари ва йил бошига қолдиқ маблағлари тегишли равишда улар умумий харажатларининг 3 фоизидан ошмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ фойдаланилади ҳамда фойдаланилган маблағлар бўйича Қонунчилик палатасига ҳар чоракда ҳисобот тақдим этилади. Мазкур харажатлар 3 ва ундан ортиқ фоизга ошган тақдирда ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритилади.

12-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари

2020 йил учун:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин;

республика бюджетидан вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини вилоятлар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

13-модда. Айрим солиқлар ва тўлов ставкалари

2020 йил учун:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (хизмат кўрсатиладиган), акциз солиғи солинадиган товарларга (хизматларга) нисбатан акциз солиғи ставкалари 8-иловага мувофиқ;

жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 9-иловага мувофиқ;

мева-сабзавотчилик маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд қилинган ерлар учун мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундириладиган ер солиғи ставкалари 10-иловага мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 11-иловага мувофиқ;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 12-иловага мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган суммалари 13-иловага мувофиқ (бунда 2020 йилдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқи берилади);

маҳаллий йиғимларнинг чегараланган ставкалари 14-иловага мувофиқ;

автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кириш учун автотранспорт воситасининг эгалари (фойдаланувчилари) ушбу автотранспорт воситаларини ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказганда ҳамда чет эл давлатлари автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва ҳудудида транзит ҳаракатланиши учун йиғимларнинг ставкалари 15-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўлланиладиган божхона божи ҳамда акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

14-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш

2020 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 731 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2020 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда шакллантирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларини шакллантиришда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилади.

15-модда. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик якунлари бўйича даромад прогнозларининг бажарилмаган ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушишига доир етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджетининг умумий харажатларини 3 фоиз ва ундан ортиқ миқдорларда камайтириш Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Олий Мажлис палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоиздан кам миқдорда республика бюджетидан ажратиладиган маблағларини камайтириш Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши ҳамда қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида олинадиган ташқи қарзнинг чекланган ҳажмларини белгилаш

2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

17-модда. Ташқи қарз ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар

2020 йилда давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтариладиган ташқи қарзни ўзлаштиришнинг чекланган ҳажми 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида тасдиқлансин.

2020 йилда ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат мақсадли дастурлари бўйича харажатларнинг вазирликлар ва идоралар кесимидаги чекланган миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг биргаликдаги таклифига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3-боб. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

18-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиби

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг навбатдаги йил учун лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ушбу Қонун кучга киргандан кейин бир ҳафта муддатда, мазкур Қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисида уч кун муддатда қарор қабул қилинади.

Навбатдаги йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилингандан кейин уч кун ичида тегишли равишда халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига киритилади.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари тўғрисидаги қарорлар уч кун ичида қабул қилинади.

19-модда. 2020 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Қуйидаги солиқ турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига қуйидагилар тўлиқ ўтказилади:

юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан солиқ;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;

мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 70 фоиз, Тошкент вилоятида 34 фоиз, Тошкент шаҳрида 5 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоиз;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Тошкент вилоятида 34 фоиз, Тошкент шаҳрида 5 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоиз;

қўшилган қиймат солиғидан тушумларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 100 фоизи ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқлар ва бошқа турдаги даромадлар (шу жумладан, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган даромадлар) ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари:

ижарага берилган жойнинг ёки якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган жойнинг хусусиятларини, шунингдек кўрсатилаётган хизмат турининг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган миқдорларига нисбатан қўлланиладиган 0,7 дан 1,3 гача пасайиб борувчи ёки ўсиб борувчи коэффициентларни киритишга;

туманлар ва шаҳарларнинг оммавий дам олиш ва туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдорларига нисбатан қўлланиладиган ўсиб борувчи коэффициентларни киритишга ҳақли.

Агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ўтказилади.

Давлат унитар корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган жамиятлар томонидан 2020 йилнинг 1 июлига қадар 2019 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2020 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмасдан тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади.

20-модда. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари туманлар ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарорлар қабул қилади.

21-модда. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларини амалга оширишнинг хусусиятлари

Қуйидаги харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилади:

умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади);

кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни таъмирлаш харажатлари ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатлари.

Қуйидаги харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан молиялаштиришга ўтказилади:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари ҳамда Қарши магистраль каналининг эксплуатация бошқармасини молиялаштириш харажатлари;

умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари.

Қуйидаги харажатлар туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштиришга ўтказилади:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари.

Эксперимент тариқасида:

Тошкент шаҳридаги умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳисобидан;

Қорақалпоғистон Республикасидаги ижтимоий соҳа объектларини, ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини, умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштирилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси билан амалга оширилаётган қўшимча тадбирлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

Чоралар якуни бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига худди шу тартибда мурожаат этади.

4-боб. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети ижросининг шаффофлигини таъминлаш

22-модда. Бюджет жараёнининг шаффофлигини таъминлаш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасига қадар ўзининг расмий веб-сайтларига:

ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимоти;

молиявий ҳисоботлар;

капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси;

ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни жойлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда тегишли бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг рўйхатини, лойиҳанинг қиймати ва ижроси тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини ҳамда тақдим этилган солиқ ва бож

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2019 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 ноябригача кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси Спикери Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва бюджетномани дастлабки тарзда кўриб чиқиш ҳамда фикрлар ва таклифлар ишлаб чиқиш учун Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасига, фракцияларга ҳамда Қонунчилик палатасининг қўмиталарига йўллайди.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш жараёнида фракциялар ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси билан боғлиқ қўшимча ахборотни тегишли органлардан талаб қилиб олиши мумкин.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси барча фракциялар ҳамда Қонунчилик палатаси қўмиталарининг фикрлари ва таклифларини ўрганиб чиқиб, Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг ва бюджетноманинг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ўтказади ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашига Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритиш мумкинлиги тўғрисида белгиланган муддатда хулоса тақдим этади.

Фракцияларнинг ҳамда Қонунчилик палатаси қўмиталарининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилиниши шарт.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузасини, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси вакилининг қўшимча маърузасини эшитади ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ҳақида ёхуд рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маромига етказиш учун қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рад этилган Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан ўн тўрт кун ичида Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказади ҳамда маромига етказилган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига биринчи ўқишда қайта кўриб чиқиш учун киритади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи қисми Қонунчилик палатасининг ёпиқ мажлисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади.

21-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала, қоида тариқасида, Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи навбатда кўриб чиқилиши керак.

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар белгиланган тартибда киритилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 2, 47-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда) **IV бўлими** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«IV. НАВБАТДАГИ ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

16-модда. Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни кўриб чиқиш

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун (бундан буён матнда Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун деб юритилади) Сенатнинг кўриб чиқиши учун топширилади ва Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун ва бюджетнома Сенат мажлисида кўриб чиқилгунга қадар олдиндан сенаторларга юборилади.

Сенатнинг мажлисида Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун Сенат томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай маъқулланади.

17-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун Сенатнинг энг яқин мажлисида кўриб чиқилиши керак».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 11, 791-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс»;

учинчи – **қирқ биринчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи** – **қирқ иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбошисидаги «келгуси» деган сўз «ўрта муддатли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **йигирма олтинчи** ва **йигирма еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«**иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

умумий фискал баланс – Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари эвазига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган жамланма баланс»;

йигирма олтинчи – **қирқ иккинчи хатбошилари** тегишинча **йигирма саккизинчи** – **қирқ тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **қирқ тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи** – ўз тасарруфида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳар бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга эга бўлган юридик шахс, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи»;

қирқ тўртинчи хатбошиси қирқ бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **қирқ олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**ўрта муддатли давр учун фискал стратегия** – ўрта муддатли давр учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгиловчи ҳужжат»;

2) **25-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини (бундан буён матнда Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси деб юритилади) ва бюджетномани ишлаб чиқиш жараёнини ташкил этади ҳамда мувофиқлаштириб боради;

биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар рўйхатини тасдиқлайди;

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва бюджетномани кўриб чиқиш ҳамда тегишли хулоса тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади;

бюджетномани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этади;

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритади;

давлат бошқаруви органларининг Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ижро этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда назорат қилади;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар чоракда кўриб чиқади;

ўтган молия йили учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ташқи аудит ўтказиш ҳамда баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади;

ушбу Кодекснинг 145 ва 149-моддаларида назарда тутилган ҳолларда молия йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритади;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

3) **26-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади»;

4) **28-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

5) **29-модда биринчи қисмининг**:

иккинчи – **тўққизинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва бюджетномани ишлаб чиқади;

давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари лойиҳаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва бюджетномани кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига Давлат бюджетининг даромадлари прогнозини ҳар чоракда етказади;

биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимлаш, шунингдек навбатдаги йил учун харажатлар сметасини тузиш бўйича услубий кўрсатмаларни юборади;

биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлар сметаларини ва жамланма харажатлар сметаларини, штат жадвалларини, шунингдек уларга киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказади;

ушбу Кодекснинг 145-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг харажатлари ёйилмасига молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу Кодекснинг 145 ва 149-моддаларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тақдим этади»;

ўнинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўн биринчи – **ўттизинчи хатбошилари** тегишинча **ўнинчи** – **йигирма тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

6) **83-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«83-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш

Навбатдаги йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда келгуси икки йилга бюджет мўлжаллари ўрта муддатли давр учун ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида ишлаб чиқилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:

бюджет сўровини тузиш тартибини юборишни;

бюджет сўровларини ҳамда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларини тайёрлаш ва тақдим этишни;

бюджет сўровларини кўриб чиқиш ва жамлашни;

бюджетномани ишлаб чиқишни назарда тутади»;

7) **96-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**96-модда. Бюджетнома**

Бюджетнома – эришилган натижалар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатни келгуси даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутувчи ҳужжат бўлиб, ушбу йўналишлар асосида Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Бюджетнома қуйидагиларни ўз ичига олади:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий якунларини ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги якунларининг прогноз баҳосини, шунингдек мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўрта муддатли давр учун асосий йўналишларини;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозини;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;

фискал таваккалчиликлар таҳлили ҳисобга олинган ҳолда ўрта муддатли давр учун фискал стратегиясини;

прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжалларини;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинадиган кредитларнинг йиллик чегаравий миқдорини»;

8) **17-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**17-боб. Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш тартиби**»;

9) **97**, **98** ва **99-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«97-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва бюджетномани киритиш тартиби

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва бюджетнома:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига – жорий йилнинг 15 сентябрига қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига – жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиши учун – жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича хулосани жорий йилнинг 5 октябридан кечиктирмай тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан киритилади.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳам, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай киритилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муддатли давр учун фискал стратегия, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун параллель равишда эълон қилинади.

98-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 ноябрига қадар кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига кўриб чиқиш учун қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида юборилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай маъқулланади.

99-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини тасдиқлаш

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг навбатдаги йил учун лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун кучга киргандан кейин бир ҳафта муддатда, Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисида уч кун муддатда қарор қабул қилинади.

Навбатдаги йил учун туман ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туман ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилингандан кейин уч кун ичида тегишли равишда халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашларига киритилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари тўғрисидаги қарорлар уч кун ичида қабул қилинади»;

10) **126-модда**:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«126-модда. Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш»;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** – **еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қўшимча манбалари ва йил бошига қолдиқ маблағлари тегишли равишда улар умумий харажатларининг 3 фоизидан ошмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ фойдаланилади ҳамда фойдаланилган маблағлар бўйича Қонунчилик палатасига ҳар чоракда ҳисобот тақдим этилади. Мазкур харажатлар 3 ва ундан ортиқ фоизга ошган тақдирда Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартиришлар киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалардан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари туманлар ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари фавқулодда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарорлар қабул қилади»;

11) **143-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети даромадлари ва харажатларига тасдиқланган бюджетлар доирасида унинг ижроси жараёнида қонун ҳужжатлари асосида ўзгартиришлар киритиш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари томонидан амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида ҳисобга олиб борилади»;

12) **144-модда** чиқариб ташлансин;

13) **145-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш (бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар мустасно):

10 ва ундан ортиқ фоизи миқдорда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар таркибида назарда тутилган мақсадли маблағлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган бюджетлараро трансфертларни кўпайтириш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қайта тақсимланади.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида бир иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган маблағларни бошқа иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш:

10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда тегишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни жорий харажатларга йўналтириш тақиқланади»;

14) **146-модда** чиқариб ташлансин;

15) **147-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган бюджет маблағларини бошқа ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорининг:

10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу Кодекс 145-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи тасарруфидаги бир бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчидан бошқа бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни ўтказиш ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар сўровига кўра тегишли ҳудудий молия органлари томонидан амалга оширилади»;

16) **148-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган бюджет маблағларини бошқа ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорининг:

10 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу Кодекс 145-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи тасарруфидаги бир бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчидан бошқа бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни ўтказиш ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар сўровига кўра туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан амалга оширилади»;

17) **149-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«149-модда. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатларига уларнинг тасдиқланган ҳажмларига нисбатан 3 фоиз ва ундан ортиқ миқдорга кўпайтиришни ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатларига уларнинг тасдиқланган ҳажмларига нисбатан 3 фоизданкам миқдорда кўпайтириш ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тақсимловчи органларининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатларини уларнинг тасдиқланган ҳажмларига нисбатан кўпайтириш уларни қоплаш манбалари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатларига уларнинг тасдиқланган умумий ҳажмларини кўпайтирмасдан ёки камайтирмасдан ўзгартиришлар киритиш давлат мақсадли жамғармаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг тақсимловчи органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишувга кўра амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Парламент назорати тўғрисида»**ги ЎРҚ–403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш»;

2) **6-модда** чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 декабрь
№ ЎРҚ—590

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоалари “Халқ сўзи”нинг масъул ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, уюшма аъзоси, таниқли шоир

Абдували ҚУТБИДДИНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри жамоаси “Тумор” рақс ансамбли бадиий раҳбари Чаросой Жўрабоевага онаси

Рисолатхон САЙФУТДИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«